



Миллий кўзголоннинг майдонга келиши ва мохияти (Босмачилик ҳаракати)

Миллий кўзголоннинг майдонга келиши ва мохияти (Босмачилик ҳаракати)
Шўролар «Босмачилик ҳаракати» деб номланган миллий кўзголон ҳақида жуда кўп ёзган. Шўро иттифокидан ташқарида ҳам Туркистон халқининг ўша даврдаги аччиқ қисмати ҳақида кўплаб илмий ишлар яратилган. Шўро Русияси Кўкондаги Туркистон Миллий ҳукумати ағдариб, Кўкон аҳолисини дахшатли қатли оми қилгандан сўнг тирик қолган шаҳар мудоффаачилари Эргаш кўрбоши бошчилигида Кўкондан қочиб кетишди. Улар курашни янғидан бошлашди. Эргаш кўрбоши Кўкон миршабининг бошлиғи бўлганди. Шунинг учун ҳам у «кўрбоши» унвонига эга бўлди. Эргаш 1916 йил бери қиличини кинига солмаган эди. У ўз тарафдорлари билан бирга русларнинг молларини талон-тороқ қилиш билан машғул бўлган. На оқ подшо тузуми ва на Русия муваққат ҳукумати Эргашни тута олмади. Кўконда Туркистон мухтор жумҳурияси эълон қилинган, Ўрама ўз ихтиёри билан ҳукуматга бўйсунди. Ўз ҳамюртларига эмас, уларга зулм қилганларга қарши курашганлиги учун Кўкон ҳукумати ҳеч иккиланмай, уни ўз хизматида олди (Асфандиёров, Историya, 224-6: «Буюқдавлaтшoвинистлари 1916 йил кўзголонини «босмачилик ҳаракати» сифатида баҳолаб, уни қучсизлантиришга уриндилар»). Pipes, The

Formation.1954, 178-6.: «1918 йилнинг бошларида Кўкон ҳукумати маҳаллий босмачиларнинг энг кучлиси бўлган Эргаш билан битим тузди. У кўшиннинг кўмондони этиб тайинланди»... (кўшин) сўзи милиция бирликларини англатади, чунки Кўкон ҳукумати шу пайтгача курулди кучлари йўқ эди.). Эргаш шўроларга қарши курашнинг энг бошланишида фаолият кўрсатгани учун шўро руслари унга «босмачи» ва унинг атрофидаги кўзголончиларга алоқадорликни «босмачилик» деб номладилар. Руслар ҳатто 1916 йилги Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатини ҳам «босмачилик ҳаракати» деб атагандилар(Ellis, The Transcaspien, 165-6. «Босмачи» сўзи болшевиклар томонидан Русия ва большевизм ҳокимиятига қарши мусулмонлар кўзголонини аҳамиятсиз қилиб кўрсатиш учун тўқилган сўздир»). (шу ўринда, Афғонистондаги қаршилик ҳаракати ҳам дастлаб «босмачи» ва «босмачилик» атамалари билан номланиб, кейинроқ «душман» ва «муҳоҷид» атамалари билан алмаштирилганига қиёсланг - таржимон). Туркистондаги миллий озодлик урушларини фарқлаш учун рус ташвиқотида мос равишда, тарих фанида «Босмачи ҳаракати» таъбири ўрнашиб, шу атама билан дунё тарихига кирди. Босмачилик ҳаракатининг майдонга қилишини салоҳиятли рус раҳбарларидан Г.Сафаров шундай изоҳлайди: «Босмачилик ҳаракати бир томондан Кўкон муҳоҷиятининг йўқ қилиниши ва асосан, мустамлақачилик қелтирган тартибсизлик натижаси бўлиб, ўз миллий тақдирини ўзи ҳал қилиши учун курашган ерларга ёйилди. Иккинчи томондан, пахта зироатини издан чиқарган ва очарчиликка юзма-юз қилган иқтисодий таназзул сабаб бўлди»(Сафаровнинг бу фикри, Пуревич. 0 положении на историческом фронте Средней Азии, «Революция и культура в Средней Азии». 1. - Ташкент: 1934, 10-бетда қилдирилган. «Кўкон муҳоҷор ҳукуматининг оқовасидан босмачилик ҳаракати тугилди ва 1927 йилгача советларга қарши Ўрта Осиёнинг қўп жойларида, турли шаклларда курашди». Босмачилик ҳаракати 1934 йилгача давом этди.). Кўкондаги қаршиликҳаракати 1918 йил ёзигача бутун Фарғона водийсига қенг тарқалди. 1916 йилги кўзголон қонга белангани ва қўп моддий зарар қелтиргани ҳолда ўша жабр кўрган миллат яна бир марта ҳуррият учун қўлига қурул олиш жасоратини қаердан топанлигини аниқлаш ҳамон мушкулдир. Бунинг манбаи миллий ўзига ҳосликдан изланиши қерак. Айниқса, Фарғона водийси ҳалқида босқинчи бегона қучлар олдида қўрқувга тушиш туйғуси йўқ эди. Улар доим жасур ва метиндай мустанкам озодлик туйғуси соҳибларидир. Муҳоҷият эълон қилиниши билан улар озодликка чиққанлигига имон қелтирган эдилар. Муҳоҷор ҳукумат йўқ қилинганда ҳалқ саросимага тушди, миллий гурури янчилди. Демак, Туркистонда бу даврга қелиб, русларга қарши умумий бўйсунмаслик истаги ҳукмрон бўла бошлади(А. Қоканбоев, Борьба с басмачеством и укрепление Советской власти в Фергане. - Ташкент: 1958 (Шомағдиев бу ишни давом эттирди: Очерки истории... 12-6.). Босмачилик ҳаракатининг май-донга қилишини ерлик ҳалқларнинг Русларга ишончи йўқлиги ва қорозиликни вужудга қелтирган Русиянинг Туркистондаги «бўлиб ташлаш» сиёсатининг натижаси сифатида мулоҳаза қурилади.). Руслар амалда ҳуррият ўрнига қуруқ сўз ва ширлар қелтиргач, Фарғона ҳалқининг озодлик учун қўлига янқидан қурул олишдан бошқа бирор қораси қолмаган эди.

Шўро тарихий манбалари аксилинқилобчи Кўкон муҳоҷияти ҳукумати босмачилик ҳаракатининг тамал тошини қўйганлиги ва бу ҳаракатга сиёсий тус берганлигини тасдиқламоқда(Большая Советская энциклопедия, 1950, С. IV., 286-6.: «Бир талончилар гуруҳини дастлаб, ҳарбий қуч сифатида шўроларга қарши йўналтирган аксилинқилобий Кўкон муҳоҷияти (9 декабрь 1917, No20 февраль 1918) босмачилик ҳаракатининг

асосини курди. Улар босмачилик ҳаракатига аксилинкилобий тус берди ва тескаричи панисломистик ва пантуркистик йўналишда намоён бўлди»). Аммо шу нарса ҳаммага маълумки, босмачилик ҳаракати мухтор ҳукумат ағдариландан сўнг уюшган бир шаклда алоҳида шахсларнинг гайрат-шижоати билан майдонга келгандир. Миллий мухтор ҳукуматнинг ағдалиши кураш бошланишига туртки бўлганлиги эса ҳақ гап. Дастлаб ҳаракатнинг маркази Кўкон шахри теваараги эканлиги ҳам тўғри (Эргаш кўрбоши Бачкир кишлогига чекинди (Кўкондан 20 км узоқликда) ва шу ердан қаршилиқни давом эттирди. Эшмат кўрбоши Бувайдада (Кўкондан 13-15 км), Умарчўли кўрбоши Урганчда (Кўкон ёнидаги кишлок) жойлашган эди. Ойбали кўрбоши эса Найманчада эди. Киёсланг: Шомағдиев. Очерки истории, 60-6.). Кўзғолон бу ердан бошқа ерларга ёйилди. 1918 йил март ойининг охирига бориб, Фаргона водийсида 40дан ортиқ кўрбошилар ҳаракатда эди. 1918 йил ўрталарида эса кўзғолон бутун Фаргона водийсини тўлиқ қамради. Босмачилик ҳаракатининг кейинги тармоқланишини баён қилишдан аввал бу ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятини ва гоёсини аниқлаб олиш зарур. Кўзғолоннинг гоёси - Туркистоннинг мустақиллиги. Бу хусусда шўро манбаларидан қуйидаги маълумотларни олиш мумкин: «Туркистон - туркистонликларники. Туркистонни руслардан озод қилиш керак. Мустақиллардан тозаланган муборақ Туркистон» (Василевский. Фазм басмаческого движения. НВ, 1930, 29-сон, 133-6; Гинзбург. Басмачество. МВ, 1926, 10-11, 182-бет.). Сталин шундай деган эди: «Босмачилик ҳаракати 1918 - 1924 йилларда Ўрта Осиё жумҳуриятларини шўро Русиясидан ажратмок ва эзувчи синф ҳокимиятини янгидан қуриш гоёси билан мулалар (Босмачилик ҳаракатини озми-кўпми бойлар қўллаб-қувватлаган. Ислоҳ дини вакилларининг кўпчилиги бундай курашга қарши эди. Чунки озодлик урушини (жиходни) фақат бир давлат бошлиғи томонидан бошқарилиши лозим деб билардилар. Акс ҳолда урушда ҳалок бўлганлар шахид ҳисобланмасди.) томонидан яратилган очик сиёсий бир босмачилик ҳаракати сифатида майдонга чиқди» (И. В. Сталин. Танланган асарлар (русча), С. V. 148-6.). Фрунзенинг гапига кўра: «Йўқолсин, шўро ҳокимияти!» ва «Мустақил бир мусулмон давлати тузилсин» (Фрунзе. Собрание сочинений, С. I., 128-6.) каби иборалар ҳаракатнинг лўнда гоёси эди. Босмачилик ҳаракати ҳақиқатан босмачилик кўзғолоними ёки бошқача ҳаракатми деган саволга Фрунзе 1920 йил 23 майида Фаргона жаҳҳаси кўшинига берган буйруғида шахсан жаҳҳоб берган эди: «Ўртоқлар! Туркистон инжуси бўлган Фаргона икки йилдан ортиқроқ вақтдан бери қонли бир уруш майдони ҳолидадир... Бу ердаги шўро ҳокимияти илқ тузилиш даврида оврўполик (рус демокчи - муаллиф) ва ерлик ишчи, деҳқон оммаларини ўзига тортиш ўрнига, меҳнатқаш халқни ўзидан узоқлаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқаришни миллийлаштиришда фақат буржуазиянинг мулки эмас, балки ўртаҳол деҳқонларники ҳам тортиб олинди... Бу ерда ҳаракат қилган қизил аскар бирликлари, инқилобни ҳимоя қилган баъзи раҳбарлар меҳнатқаш халқни истибдод воситаси сифатида тушунди. Босмачилик ҳаракати деган бу ҳаракат шу асосда вужудга келди. «Босмачилар оддий таловчилар эмас. Шундай бўлса, уларни тез йўқ қилиш мумкин бўларди» (Фрунзе, Избраннью произведения, 313-6.). Бир шўро манбасида шуни ўқиш мумкин: «Босмачилик ҳаракатининг мантики ўлароқ юритилган сиёсий аксил-шўровий моҳияти бор эди. Бу ҳаракат уч жумҳуриятда (Туркистон, Бухоро ва Хоразм) деҳқонларнинг оммавий ҳаракатига айланди» (Большая Советская энциклопедия, 1927, С., V., 35-6. Бундан ташқари босмачилик ҳаракатига қарши шахсан фаол кураш олиб борган Скаловнинг эътирофи қуйида зикр этилади: «Босмачилик ҳаракати Туркистон халқининг

Муаллиф:

05.04.2024 18:36 -

боскинчилар хокимиятига карши миллий кўзголони сифатида юзага келди», УТ., 1933, 39-сон, 5-бетда кайд килинган. Шўро давлатининг салохиятли мансабдорларидан туркистонлик Кайгисиз Отабой 1922 йил 14 июлда Тошкентда: «Босмачилик ҳдракати халк кўзголониدير», - деган эди. Киёсланг: Уразаев, Ленин строительство, 405-6.). Босмачилик ҳаракати ҳақида шўро манбаларининг баёнлари гоят даражада батаф-силдир. Шунинг учун ортикча таҳдил килишдан ўзимизни тиямиз.

Др.Боймирза Хайитнинг "Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан